

УЧИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

93 Вазирлар Маҳкамасининг «Биржа ва ярмарка савдосининг самарадорлигини оширишга доир чора-тадбирлар тўғрисида» 1999 йил 15 апрелдаги 174-сон қарорига ўзгартириш киритиш ҳақида

Биржа ва ярмарка савдосини рағбатлантириш, товарларни олиб чиқишни тартибга солиш ва уларни экспорт қилишдан валюта тушумларни янада кўпайтириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Вазирлар Маҳкамасининг «Биржа ва ярмарка савдосининг самарадорлигини оширишга доир чора-тадбирлар тўғрисида» 1999 йил 15 апрелдаги 174-сон қарорига (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 1999 й., 4-сон, 19-модда) иловага мувофиқ ўзгартириш киритилсин.

2. Белгилаб қўйилсинки, 2015 йил 1 июндан бошлаб юридик ва жисмоний шахслар томонидан хизматларни товар-хом ашё биржалари орқали экспортга сотиш фақат эркин алмаштириладиган валютада амалга оширилади.

3. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари Р.С. Азимов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2015 йил 23 февраль,
31-сон

Вазирлар Маҳкамасининг
2015 йил 23 февралдаги 31-сон қарорига
ИЛОВА

Вазирлар Маҳкамасининг «Биржа ва ярмарка савдосининг самарадорлигини оширишга доир чора-тадбирлар тўғрисида» 1999 йил 15 апрелдаги 174-сон қарорига киритилаётган ўзгартириш

1-илова матни қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«Товар-хом ашё биржаси орқали юридик ва жисмоний шахслар томонидан экспортга фақат эркин алмаштириладиган валютага сотиладиган товарлар РЎЙХАТИ

Т/р	Товар номи	ТИФ ТН бўйича товар коди
1.	Табиий асал	0409 00 000 0
2.	Молларнинг (балиқдан ташқари) бутун ёки бўлакланган, янги, совутилган, музлатилган, тузланган, тузли сувга солинган, қуритилган ёки дудланган ичаклари, қопчалари ва ошқозонлари	0504 00 000 0
3.	Соя дуккакларидан майда ва йирик тугилган ун	1208 10 000 0
4.	Қизилмия илдизи	1211 90 850 0
5.	Кукунли сассиқ коврак қатрони	1301 90 000 0
6.	Кунгабоқар, махсар ёки пахта ёғи ва уларнинг техникада ҳамда саноатда қўлланиладиган фракциялари, озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришда қўлланиладиганларидан ташқари	1512 11 100 0, 1512 21 100 0
7.	Мол ёки ўсимлик мойи ва ёғи ҳамда уларнинг фракциялари	1518 00
8.	Саноатда ишлатиладиган монокарбон мой кислотаси	3823
9.	Мармар	2515 (фақат мармар)
10.	Қурилиш шағали	2517 10 100 0
11.	Қурилиш оҳаки	2522 10 000 0
12.	Портландцемент, лой-тупроқли цемент, шлакли цемент, суперсульфатли цемент ва шунга ўхшаш гидравлика цементлари	2523
13.	Молибден рудалар ва концентратлар	2613
14.	Битуминоз жинслардан олинган қайта ишланмаган нефть ва қайта ишланмаган нефть маҳсулотлари	2709 00

Т/р	Товар номи	ТИФ ТН бўйича товар коди
15.	Битуминоз жинслардан олинган нефть ва нефть маҳсулотлари, қайта ишланмаганларидан ташқари	2710
16.	Суюлтирилган газ	2711 11 000 0
17.	Нефтли кокс, нефтли битум ва нефтни қайта ишлашдан олинган бошқа қолдиқлар	2713
18.	Азот кислотаси, сульфоазот кислоталари	2808 00 000 0
19.	Рух оксиди, рух пероксиди	2817 00 000 0
20.	Сульфатлар, квасцлар, пероксосульфатлар	2833
21.	Дори-дармон воситалари	3003, 3004
22.	Момиқ, дока, бинтлар ва шунга ўхшаш маҳсулотлар	3005
23.	Минерал ёки кимёвий ўғитлар	3102 — 3105
24.	Бўёқлар ва локлар	3208
25.	Пигментлар (шу жумладан, металл кукуни ва парчаси)	3212
26.	Бирламчи шаклдаги этилен полимерлари	3901
27.	Арматураланмаган ва бошқа материаллар билан комбинацияланмаган винилхлорид полимерларидан тайёрланган эгилувчан қувурлар	3917 32 000 9
28.	Ташиш учун мўлжалланган этилен полимерларидан тайёрланган яшиқлар	3923 10 000 0
29.	Янги пневматик резинали шиналар	4011
30.	Қоғоз, картон, целлюлоза момиги ва тўйинтирилган целлюлоза толаларидан олинган газлама	4811
31.	Ипак ип, ипак чиқиндиларидан тайёрланган калава	5004 00 — 5005 00
32.	Ҳайвонлар жуни, ингичка ёки қалин юнги, от юнгидан эшилган калава ва газлама	5101 — 5113 00 000 0
33.	Пахта толаси, пахта чиқиндилари	5201 00 — 5203 00 000 0 (5202 99 0000 дан ташқари)
34.	Ип калава, ип газламалар	5205 — 5212
35.	Сунъий комплекс иплардан тайёрланган газламалар	5408
36.	Синтетик ва сунъий толалар	5503, 5504
37.	Синтетик ва сунъий штапель толалардан тайёрланган калава	5509, 5510
38.	Тўқимачилик хом ашёсидан олинган момиқ ва ундан тайёрланган маҳсулотлар	5601
39.	Фетр ва намат	5602
40.	Зар уқали ип	5606 00

Т/р	Товар номи	ТИФ ТН бўйича товар коди
41.	Қўлда тайёрланган мебель-декоратив расмли газмоллар	5805 00 000 0
42.	Тукли мато (шу жумладан, узун тукли) ва пахмоқ мато	6001
43.	Машинада ва қўлда тўқилган бошқа трикотаж матолар	6002 — 6006
44.	Полипропилен қоғозлар	6305 33 900 1
45.	Ишлов берилган тош (сланецдан ташқари)	6802
46.	Тўшаш учун плиталар, сирланмаган ва сирланган керамик поллар, печлар ёки деворлар учун кошинлар (пардозлаш плиталари)	6907-6908
47.	Қора металлар	7201 — 7228
48.	Қора металлдан қуйилган бошқа буюмлар	7325
49.	Қора металлдан ясалган бошқа буюмлар	7326
50.	Рафинадланган мис	7403
51.	Вольфрам ва ундан тайёрланган буюмлар	8101 (8101 97 000 0 дан ташқари)
52.	Молибден ва ундан тайёрланган буюмлар	8102 (8102 97 000 0 дан ташқари)
53.	Сунъий ҳаво ҳосил қилувчи қурилмалар	8415
54.	Совутгичлар, музлатгичлар ва бошқа совутиш ва музлатиш асбоб-ускуналари	8418
55.	Электр трансформаторлари	8504
56.	Электр машиналар ва асбоб-ускуналар: электр дазмол, бошқа маиший электр иситиш приборлари; телефон аппаратлари ва факсимил алоқа воситалари; овоз ёзиш ва овоз эшиттириш аппаратлари; телевизион тасвирни ва овозни ёзиб олиш ва уни кўрсатиш аппаратлари	8516 — 8525, 8527, 8528
57.	Токни улаш, узиш, ҳимоя қилиш ва ўчириш учун ёки электр занжирларга улаш учун электр аппаратлари	8536
58.	Электр аппаратлар учун пультлар, панеллар (шу жумладан, сон билан бошқариладиган), консоллар, столлар, тақсимлагич тахталари ва бошқа асослар	8537
59.	Ҳимояланган симлар	8544
60.	Автомобиллар	8702, 8703, 8704»